

ДУО НУТҚИЙ ЖАНРИНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Хасанова Фотима Мамановна

ЎзДЖТУ докторанти

Дуо нутқий жанри диний нутқий жанрлар таркибида асосий жанрлардан биридир. Унинг моҳиятида Худога ҳамду санолар айтиш, илтижо қилиб марҳаматини ўтиниб сўраш, шукрона келтириш каби турли мазмундаги мурожаатлар ётади. Дуо диний нуқтаи назардан инсон ва илоҳиёт ўртасидаги алоқани ўрнатувчи восита саналади²¹. Кузатишлар шуни кўрсатадики, дуо нутқий жанри иккинчи бир мустақил нутқий жанр таркибида келиб, ушбу жанрда дуо нутқий акти сифатида вазифа бажаради. Хусусан, дуо нутқий жанри мақтов, табрик, диний китоблар бошланмаси ва тугалланиш қисмларида иштирок этади. Бу эса дуо нутқий жанрининг функционал хусусиятларининг хилма-хиллигини кўрсатади. Масалан, интернет комментарийлари. Комментария нутқий жанрида мақтов ва дуо нутқий актларининг ифодаланиши: *Овозини қаранглар. Шунчалигам яхши айтадими?! Кўп яшанг, (мақтов нутқий акти) Худойим жонини омон қилсин (дуо нутқий акти)*²². Кўринадики, мақтов ва дуо нутқий жанри ўзининг мустақил жанрий хусусиятларини йўқотмаган ҳолда комментарий нутқий жанрида алоҳида, мустақил нутқий акт сифатида функционал вазифа бажармоқда ва бошқа йирик нутқий жанрнинг бир қисми бўлиб келмоқда. Ушбу мисолда комментарий нутқий жанрида мақтов ва дуо нутқий жанрларининг мазмуний мундарижаси бир-бирига мантиқий ва маъновий жиҳатдан тўғри келиб, шаклий жиҳатдан бир-бирини тўлдиради.

Шуни айтиш керакки, дуо нутқий жанрига тегишли хулқ-атвор диний кўрсатмалар орқали бошқарилади. Масалан, ислом динида Аллоҳ гўзал табрикдан сўнг чиройли дуо сўзларидан фойдаланишга буюради. Шунинг учун ҳам мусулмон киши учун табрик ва дуо сўзларини пухта ўрганиши ва уни муносиб вақтда айтиши жоиз ҳисобланади²³.

Диний илмий адабиётларда турли вазиятлар учун дуо шаклидаги табрик ва миннатдорчилик нутқий актларидан ташкил топган дуо шакллари ҳам мавжудлиги қайд этилади. Масалан, фарзандли бўлган кишини табрикларда куйидаги дуони айтиш жоиз саналади. Ушбу дуонинг мазмуний композицион тузилиши сўзловчи муносабати мазмунидаги реакция – тингловчи муносабати мазмунидаги жавоб шаклида бўлиб, сўзловчи ва тингловчи учун алоҳида шакллар мавжуд. Табрикловчи: “Барик лака бил мавҳуб ва балағо ашуддаху”.

²¹ Словарь религии. Иудаизм, Христианства, Ислам. 2008, М., Питер Пресс, с 656.

²² Рустам Ғоипов. Сен тугилган кун. <http://youtube.be/qyRhvyxfYj4>

²³ У. Алимов. Оилада Фарзанд тарбияси. Ҳазил-мутойиба ва табриклар одоби. Моварауннахр,

Табрик қабул қилувчи эса: “Баракаллоҳу лака ва барака аълайка ва розақокаллоҳу мислаҳу”, дейди. Диний қарашларда табрикловчи ва табрикланувчи ушбу дуоларни айтишни одат қилиши афзал ҳисобланади. Бундан ташқари сафардан чиқиш ва қайтиш, хажга бориш, хаждан келишни табриклаш, никоҳни қутлаш, байрам билан қутлаш, ҳайит дуоси, яхшилик қилган кишини қутлаш каби бир қатор ижтимоий маиший ҳаётда қўлланилувчи дуо турлари ҳам мавжуд.

Дуо нутқий жанри маиший ҳаётда ташаккур, миннатдорчилик билдириш нутқий актлари таркибида қўлланилиши ҳам мумкин. Масалан, яхшилик қилган инсонга қуйидаги дуони айтиш кераклиги таъкидланади. Яхшилик қилган кишига “Барокаллоҳу лака фи аҳлик ва малика ва жазакаллоҳу хойрон” (маъноси: Аллоҳ сени, аҳлингни ва молингни марҳаматига сазовор қилсин ҳамда сенга яхши мукофотлар берсин), дейилади.

Диний китобларнинг муқаддимаси ва тугалланиши дуолар билан кечиши диний услубнинг ўзига хослигини белгилайди. Чунки мусулмон динида дин кишисининг суҳбатни бошлаш ва тугаллашда дуоларни айтиши диний уламоларга хос одоб белгиларидандир. Шу сабабли ҳам диний китобларнинг муқаддимаси ва тугалланишида Худо ва унинг муқаддас кишиларига саловотлар айтиш одати мавжуд. Масалан, “*Ҳадиси шарифнинг ўрни*” китоби муқаддимасида қуйидаги ҳамду санолар айтишни назарда тутувчи дуо типлари келтирилган:

Аллоҳ Таолога беадад ҳамду санолар бўлсин!

Аллоҳнинг набийси Муҳаммад мустафога саловот ва саломлар бўлсин!

Бу китобнинг ёзилишига сабаб бўлган турли омиллар бўлганидек, унинг таржима қилинишига ҳам китоб ва унинг муаллифи билан боғлиқ бирор ҳодиса туртки бўлади. Сиз муҳтарам ўқувчиларимизга тақдим қилинаётган ушбу тардиманинг ҳам ўзига хос тарихи бор²⁴.

Муқаддиманинг тугатилиши:

Роббимиз бу асарни устозимиз учун садақаи жория ҳамда манфаати илм ўлароқ ҳусни қабул қилиб, у зотни раҳмату мағфиратига буркасин, охиратларини обод айласин!²⁵

Аллоҳим, бизни, ота-онамизни, устозларимизни, аҳлимиз ва фаразанду зурриётларимизни ҳамда барча мусулмонларни мағфират қил. Сайидимиз ва мавломиз Муҳаммадга, у кишининг аҳли байтларига, саҳобаларига ва уларга яхшилик ила эргашганларга қиёмат кунига қадар салоту саломлар бўлсин!²⁶

Демак, дуоларнинг функционал хусусиятларини тадқиқ қилишда уларнинг семантик, диний ва социал хусусиятларини инобатга олиш зарур.

²⁴ Шайх Муҳаммад Аввома. Факих имомлар ихтилофида. Ҳадиси шарифнинг ўрни. Т., Хилол, 2018, 3-бет.

²⁵ Шайх Муҳаммад Аввома. Факих имомлар ихтилофида. Ҳадиси шарифнинг ўрни. Т., Хилол, 2018, 5-бет.

²⁶ Шайх Муҳаммад Аввома. Факих имомлар ихтилофида. Ҳадиси шарифнинг ўрни. Т., Хилол, 2018, 13-бет.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Рустам Ғоипов. Сен туғилган кун. <http://youtube.be/qyRhvyxfYj4>
2. У. Алимов. Оилада Фарзанд тарбияси. Ҳазил-мутойиба ва табриклаш одоби. Моварауннаҳр,